Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 17.03.2026 йилдаги ЎРҚ-1122-сон

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СОҲАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Старая редакция	Новая редакция
Ўзбекистон Республикасининг қонуни ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУЛКЧИЛИК ТЎҒРИСИДА	
5-модда. Мулк шакллари 1. Ўзбекистон Республикасида мулк қуйидаги шаклларда бўлади: хусусий мулк; ширкат (жамоа) мулки; маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулкидан (**коммунал мулкдан**) иборат давлат мулки; аралаш мулк; бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар юридик ва жисмоний шахсларининг мулки. 2. Ўзбекистон Республикаси барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этилишини кафолатлайди.	5-модда. Мулк шакллари 1. Ўзбекистон Республикасида мулк қуйидаги шаклларда бўлади: хусусий мулк; ширкат (жамоа) мулки; маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулкидан (**муниципал мулкдан**) иборат давлат мулки; аралаш мулк; бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар юридик ва жисмоний шахсларининг мулки. 2. Ўзбекистон Республикаси барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этилишини кафолатлайди.
15-модда. Хўжалик уюшмалари (бирлашмалари)нинг мулки 1. Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик уюшмаси (шу жумладан концерн, тармоқ, тармоқлараро ва **территориал** бирлашма) унга корхона ва ташкилотлар	15-модда. Хўжалик уюшмалари (бирлашмалари)нинг мулки 1. Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик уюшмаси (шу жумладан концерн, тармоқ, тармоқлараро ва **ҳудудий** бирлашма) унга корхона ва ташкилотлар ихтиёрий

Старая редакция	Новая редакция
ихтиёрий равишда берган, шунингдек унинг ўз хўжалик фаолияти натижасида олинган мол-мулкнинг эгасидир. 2. Хўжалик уюшмаси унга кирувчи корхона ва ташкилотларнинг мол-мулкига эгалик қилиш ҳуқуқига эга эмас. 3. Хўжалик уюшмасининг фаолияти тўхтатилгандан кейин қолган мол-мулк унга кирган корхона ва ташкилотлар ўртасида келишув асосида ҳамда уларнинг қўшган ҳиссаларини (улушларини) эътиборга олган ҳолда тақсимланади.	равишда берган, шунингдек унинг ўз хўжалик фаолияти натижасида олинган мол-мулкнинг эгасидир. 2. Хўжалик уюшмаси унга кирувчи корхона ва ташкилотларнинг мол-мулкига эгалик қилиш ҳуқуқига эга эмас. 3. Хўжалик уюшмасининг фаолияти тўхтатилгандан кейин қолган мол-мулк унга кирган корхона ва ташкилотлар ўртасида келишув асосида ҳамда уларнинг қўшган ҳиссаларини (улушларини) эътиборга олган ҳолда тақсимланади.
18-модда. Умумий қоидалар 1. Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкига маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулки (**коммунал мулк)** киради. Давлат мулкини тасарруф этиш ва бошқаришни халқ (маъмурий-ҳудудий тузилма аҳолиси) номидан тегишли халқ депутатлари Кенгашлари ва улар ваколат берган давлат бошқаруви идоралари амалга оширадилар. 2. Ўзбекистон Республикасининг, маъмурий-территориал тузилманинг бюджет ёки бошқа маблағлари ёхуд улар ихтиёридаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг маблағи ҳисобига ҳосил қилинадиган ёки сотиб олинадиган мулк тегишли равишда Ўзбекистон Республикасининг мулки ёки маъмурий-**территориал** тузилманинг мулки бўлади.	18-модда. Умумий қоидалар 1. Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкига маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулки (**муниципал мулк)** киради. Давлат мулкини тасарруф этиш ва бошқаришни халқ (маъмурий-ҳудудий тузилма аҳолиси) номидан тегишли халқ депутатлари Кенгашлари ва улар ваколат берган давлат бошқаруви идоралари амалга оширадилар. 2. Ўзбекистон Республикасининг, маъмурий-ҳудудий тузилманинг бюджет ёки бошқа маблағлари ёхуд улар ихтиёридаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг маблағи ҳисобига ҳосил қилинадиган ёки сотиб олинадиган мулк тегишли равишда Ўзбекистон Республикасининг мулки ёки маъмурий-**ҳудудий** тузилманинг мулки бўлади.

Старая редакция	Новая редакция
3. Ўзбекистон Республикаси **ва** маъмурий **территориал** тузилмаларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Маъмурий-**территориал** тузилма эса Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.	3. Ўзбекистон Республикаси **ўз** маъмурий-**ҳудудий** тузилмаларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Маъмурий-**ҳудудий** тузилма эса Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.
4. Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатлар билан ҳамкорликда мол-мулкка ва хўжалик фаолияти натижаларига ҳар бир давлатнинг маълум улушда эгалик ҳуқуқи асосида мулк ҳосил қилиши мумкин.	4. Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатлар билан ҳамкорликда мол-мулкка ва хўжалик фаолияти натижаларига ҳар бир давлатнинг маълум улушда эгалик ҳуқуқи асосида мулк ҳосил қилиши мумкин.
Давлатлараро манфаатларга дахлдор бўлган сув ресурсларидан, ҳаво ҳавзасидан ва бошқа мулк шаклларидан фойдаланиш улар ўртасидаги келишувга мувофиқ амалга оширилади.	Давлатлараро манфаатларга дахлдор бўлган сув ресурсларидан, ҳаво ҳавзасидан ва бошқа мулк шаклларидан фойдаланиш улар ўртасидаги келишувга мувофиқ амалга оширилади.
22-модда. Маъмурий-ҳудудий тузилма мулки (коммунал мулк) объектлари Маҳаллий бюджет ҳисобидан вужудга келтирилган ҳамда сотиб олинган, шунингдек давлат мулкидан ўтказилган ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлган мол-мулк вилоят, туман, шаҳар ёки бошқа маъмурий-ҳудудий тузилма мулкининг объектидир. Давлатнинг мутлақ мулкига тааллуқли объектлар **коммунал** мулк ҳисобланмайди.	22-модда. Маъмурий-ҳудудий тузилма мулки (**муниципал** мулк) объектлари Маҳаллий бюджет ҳисобидан вужудга келтирилган ҳамда сотиб олинган, шунингдек давлат мулкидан ўтказилган ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлган мол-мулк вилоят, туман, шаҳар ёки бошқа маъмурий-ҳудудий тузилма мулкининг объектидир. Давлатнинг мутлақ мулкига тааллуқли объектлар **муниципал** мулк ҳисобланмайди.
23-модда. Маъмурий-территориал тузилма мулкининг субъектлари (**коммунал** мулк)	23-модда. Маъмурий-ҳудудий тузилма мулкининг субъектлари (**муниципал** мулк)

Старая редакция	Новая редакция
Тегишли маъмурий-ҳудудий тузилманинг аҳолиси **коммунал** мулкнинг субъектидир. Мулкий ҳуқуқни рўёбга чиқаришни Ўзбекистон Республикасидаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари амалга оширадилар.	Тегишли маъмурий-ҳудудий тузилманинг аҳолиси **муниципал** мулкнинг субъектидир. Мулкий ҳуқуқни рўёбга чиқаришни Ўзбекистон Республикасидаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари амалга оширадилар.
27-1-модда. Давлат мол-мулкини хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг ёки маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулки (**коммунал** мулк) **бўлмиш корхоналар, мулкий мажмуалар, бинолар, иншоотлар ва бошқа мол-мулк Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартиб ва шартлар асосида мулк қилиб республика ва бошқа давлатлар жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг тасарруфига ўтказиб берилиши мумкин.**	27-1-модда. Давлат мол-мулкини хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг ёки маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулки (**муниципал** мулк) **бўлган давлат кўчмас мулк объектлари, давлат улушлари (акциялари) ва давлат муассасалари давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликда белгилаб қўйилган тартиб ва шартлар асосида жисмоний ҳамда нодавлат юридик шахсларга тўлиқ ёки қисман хусусий мулк қилиб реализация қилиниши мумкин, бундан давлат мулкини бошқариш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган, хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки мустасно.**
Ўзбекистон Республикасининг қонуни ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА	
9-модда. Ўзбекистон Республикасининг мулкини **давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш республика қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади. Республика ҳудудида жойлашган, Иттифоқ қарамоғида бўлиб келган давлат корхоналарини акцияли жамиятларга айлантириш,** уларни мулкнинг	9-модда. Ўзбекистон Республикасининг мулкини **тасарруф этиш давлат мулкини бошқариш тўғрисидаги ва давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади. Республика ҳудудида жойлашган, Иттифоқ қарамоғида бўлиб келган давлат корхоналарини хўжалик**

Старая редакция	Новая редакция
бошқа шаклларига ўтказиш фақат Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган шартлар асосида ва тартибда амалга оширилади.	**жамиятлари этиб ўзгартириш,** уларни мулкнинг бошқа шаклларига ўтказиш фақат Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда амалга оширилади.
Ўзбекистон Республикасининг қонуни ИЖАРА ТЎҒРИСИДА	
31-модда. Низоларни ҳал этиш Ижара шартномасини тузиш, бажариш ва тўхтатиш масалалари юзасидан ижарачилар билан ижарага берувчилар ўртасидаги низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда тегишли суд томонидан ҳал этилади.	31-модда. Низоларни ҳал этиш Ижара шартномасини тузиш, бажариш ва тугатиш масалалари юзасидан ижарачилар билан ижарага берувчилар ўртасидаги низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда тегишли суд томонидан ҳал этилади **бунда давлат активларини ижарага бериш бўйича тузилган шартномалар доирасида юзага келадиган низолар ва даъволарга нисбатан медиация тартиб-таомили амалга оширилиши мумкин**.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЕР КОДЕКСИ	
9-модда. Ерларни тоифаларга бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш Ерлар асосий фойдаланиш мақсадига қараб ер фонди тоифаларига бўлинади. Ерлардан асосий фойдаланиш мақсади — ерлардан ер-кадастр ҳужжатларида акс эттириладиган аниқ мақсадларни кўзлаб фойдаланишнинг қонунчиликда белгиланган тартиби ва шартларидир.	9-модда. Ерларни тоифаларга бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш Ерлар асосий фойдаланиш мақсадига қараб ер фонди тоифаларига бўлинади. Ерлардан асосий фойдаланиш мақсади — ерлардан ер-кадастр ҳужжатларида акс эттириладиган аниқ мақсадларни кўзлаб фойдаланишнинг қонунчиликда белгиланган тартиби ва шартларидир.

Старая редакция	Новая редакция
Ерлардан асосий фойдаланиш мақсади ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турларини белгилаш йўли билан аниқлаштирилади. Ер участкаларининг ҳуқуқий режими уларнинг ер фондининг муайян тоифасига мансублигидан ва рухсат этилган фойдаланишнинг асосий туридан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Ерларни ер фондининг бир тоифасидан бошқасига ўтказиш ерлардан асосий фойдаланиш мақсади ўзгарган тақдирда амалга оширилади. Ерларни ер фонди тоифаларига бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан амалга оширилади, бундан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш мустасно. Суғорилмайдиган ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш ушбу модда олтинчи қисмининг талабларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади, суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан ер фондининг бошқа тоифасига ёки суғорилмайдиган ерларга ўтказиш эса ушбу Кодекснинг 441-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.	Ерлардан асосий фойдаланиш мақсади ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турларини белгилаш йўли билан аниқлаштирилади. Ер участкаларининг ҳуқуқий режими уларнинг ер фондининг муайян тоифасига мансублигидан ва рухсат этилган фойдаланишнинг асосий туридан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Ерларни ер фондининг бир тоифасидан бошқасига ўтказиш ерлардан асосий фойдаланиш мақсади ўзгарган тақдирда амалга оширилади. Ерларни ер фонди тоифаларига бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан амалга оширилади, бундан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш мустасно. Суғорилмайдиган ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш ушбу модда олтинчи қисмининг талабларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади, суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан ер фондининг бошқа тоифасига ёки суғорилмайдиган ерларга ўтказиш эса ушбу Кодекснинг 441-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади. **Халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари бўйида замонавий хизмат кўрсатиш мажмуаларини ва**

Старая редакция	Новая редакция
	сервис объектларини, жумладан жойлаштириш воситаларини, савдо-кўнгилочар марказларини мастер-режа асосида жойлаштириш бўйича бўш турган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарори Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда ер тоифасини бошқа тоифага ўзгартириш учун асос бўлади.
Эгаликда, фойдаланишда ёки ижарада бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш мазкур ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ушбу Кодекснинг 36-моддасида белгиланган тартибда бекор қилинганидан кейин ва улар такроран берилгунига (реализация қилингунига) қадар амалга оширилади, бундан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқлар қонунда белгиланган тартибда эътироф этилган ерларни ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш ҳоллари мустасно. Ер фондининг тоифаси ер участкаларини бериш (реализация қилиш) тўғрисидаги ҳужжатларда, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтишини белгиловчи ҳужжатларда ҳамда давлат ер кадастри ҳужжатларида, шунингдек Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан электрон кўчирмаларда кўрсатилади.	Эгаликда, фойдаланишда ёки ижарада бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш мазкур ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ушбу Кодекснинг 36-моддасида белгиланган тартибда бекор қилинганидан кейин ва улар такроран берилгунига (реализация қилингунига) қадар амалга оширилади, бундан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқлар қонунда белгиланган тартибда эътироф этилган ерларни ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш ҳоллари мустасно. Ер фондининг тоифаси ер участкаларини бериш (реализация қилиш) тўғрисидаги ҳужжатларда, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтишини белгиловчи ҳужжатларда ҳамда давлат ер кадастри ҳужжатларида, шунингдек Кўчмас мулк

Старая редакция	Новая редакция
Ерларни бир тоифадан бошқасига ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш бундай ўтказиш фактларини ғайриқонуний деб ва улар асосида тузилган ер участкаларига доир битимларни ҳақиқий эмас деб топишга, шунингдек ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишни рад этишга асос бўлади.	объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан электрон кўчирмаларда кўрсатилади. Ерларни бир тоифадан бошқасига ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш бундай ўтказиш фактларини ғайриқонуний деб ва улар асосида тузилган ер участкаларига доир битимларни ҳақиқий эмас деб топишга, шунингдек ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишни рад этишга асос бўлади.
Ўзбекистон Республикасининг қонуни Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида	
46-модда. Мажбурий ижро этиш чоралари Қуйидагилар мажбурий ижро этиш чоралари ҳисобланади: 1) ундирувни қарздорнинг пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш; 2) ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш; 2-1) ундирувни қарздорнинг дебиторлик қарзига, шу жумладан қарздор ундирувчи сифатида иштирок этаётган ижро ҳужжати бўйича унга тегишли бўлган маблағларга қаратиш; 2-2) ундирувни қарздорга тегишли бўлган алоҳида мулкий ҳуқуқларга қаратиш; 3) ундирувни қарздорнинг иш ҳақи, стипендияси, пенсияси ва бошқа турдаги даромадларига қаратиш;	46-модда. Мажбурий ижро этиш чоралари Қуйидагилар мажбурий ижро этиш чоралари ҳисобланади: 1) ундирувни қарздорнинг пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш (**бундан давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган бўш турган ер участкалари мустасно**); 2) ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш; 2-1) ундирувни қарздорнинг дебиторлик қарзига, шу жумладан қарздор ундирувчи сифатида иштирок этаётган ижро ҳужжати бўйича унга тегишли бўлган маблағларга қаратиш; 2-2) ундирувни қарздорга тегишли бўлган алоҳида мулкий ҳуқуқларга қаратиш;

Старая редакция	Новая редакция
4) ижро ҳужжатида кўрсатилган муайян ашёларни қарздордан олиб қўйиш ва ундирувчига топшириш; 5) ижро ҳужжатининг ижро этилишини таъминловчи қонунларга мувофиқ кўриладиган бошқа чоралар.	3) ундирувни қарздорнинг иш ҳақи, стипендияси, пенсияси ва бошқа турдаги даромадларига қаратиш; 4) ижро ҳужжатида кўрсатилган муайян ашёларни қарздордан олиб қўйиш ва ундирувчига топшириш; 5) ижро ҳужжатининг ижро этилишини таъминловчи қонунларга мувофиқ кўриладиган бошқа чоралар.
Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»	
25-модда. Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида ташкил этилади, туманлар ва шаҳарларда эса уларнинг бўлинмалари ташкил этилади ҳамда улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади. Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда давлат органларининг ва бозор инфратузилмаси субъектларининг барча турдаги хизматларидан ҳамда бизнес-хизматлардан бир жойнинг ўзида фойдаланиш имкониятини бериш орқали тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; тадбиркорлик субъектларига муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда, ахборот билан таъминланишда, давлат хизматларидан фойдаланишда (рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш, лицензиялаш	25-модда. Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида ташкил этилади, туманлар ва шаҳарларда эса уларнинг бўлинмалари ташкил этилади ҳамда улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади. Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда давлат органларининг ва бозор инфратузилмаси субъектларининг барча турдаги хизматларидан ҳамда бизнес-хизматлардан бир жойнинг ўзида фойдаланиш имкониятини бериш орқали тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; тадбиркорлик субъектларига муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда, ахборот билан таъминланишда, давлат хизматларидан фойдаланишда (рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш, лицензиялаш

Старая редакция	Новая редакция
ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни олишда) кўмаклашиш; бизнес-режалар ишлаб чиқиш, шунингдек лизинг, суғурта ва баҳолаш хизматларидан фойдаланиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш; молиявий, товар-хомашё ва табиий ресурслардан, муҳандислик-коммуникация тармоқларидан, технологик машиналар ва ускуналардан, ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланишда, шунингдек ер участкалари олишда кўмаклашиш; солиқ солиш, ходимларни ёллаш, статистика, молия, солиқ ҳисоботларини ҳамда бошқа ҳисоботларни топшириш, банк хизматлари, бинолар ва хоналарнинг ижараси ва (ёки) уларни олиш, шу жумладан **давлат мулки объектларини «ноль» харид қиймати бўйича олиш** соҳасида маслаҳатлар бериш; халқаро стандартларни ва сертификатлаштириш тизимини жорий этишда, кооперация алоқаларини йўлга қўйишда, шу жумладан ташқи савдодаги шериклар билан йўлга қўйишда, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда кўмаклашиш; тадбиркорлик субъектлари учун тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бозор инфратузилмаси субъектлари билан икки томонлама ва кўп томонлама музокараларни ташкил этиш.	ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни олишда) кўмаклашиш; бизнес-режалар ишлаб чиқиш, шунингдек лизинг, суғурта ва баҳолаш хизматларидан фойдаланиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш; молиявий, товар-хомашё ва табиий ресурслардан, муҳандислик-коммуникация тармоқларидан, технологик машиналар ва ускуналардан, ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланишда, шунингдек ер участкалари олишда кўмаклашиш; солиқ солиш, ходимларни ёллаш, статистика, молия, солиқ ҳисоботларини ҳамда бошқа ҳисоботларни топшириш, банк хизматлари, бинолар ва хоналарнинг ижараси ва (ёки) уларни олиш, шу жумладан **давлат мулкини хусусийлаштириш** соҳасида маслаҳатлар бериш; халқаро стандартларни ва сертификатлаштириш тизимини жорий этишда, кооперация алоқаларини йўлга қўйишда, шу жумладан ташқи савдодаги шериклар билан йўлга қўйишда, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда кўмаклашиш; тадбиркорлик субъектлари учун тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бозор инфратузилмаси субъектлари билан икки томонлама ва кўп томонлама музокараларни ташкил этиш.

Старая редакция	Новая редакция
Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширади.	Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширади.
31-модда. Палатанинг мол-мулкини шакллантириш манбалари Палатанинг мол-мулкини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат: Палата аъзоларининг кириш ва аъзолик бадаллари; **Давлат активларини бошқариш, трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жамғармасидан келиб тушадиган, фақат тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан тадбиркорлар учун ташкил этиладиган ўқув курсларини молиялаштириш учун мақсадли йўналтириладиган маблағлар;** вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига ва бошқа молиявий воситаларга жойлаштиришдан олинган даромадлар; пуллик хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар; тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар; Палата томонидан таъсис этиладиган корхоналарнинг фойдасидан ажратмалар; халқаро донорларнинг грантлари ва ҳомийларнинг маблағлари;	31-модда. Палатанинг мол-мулкини шакллантириш манбалари Палатанинг мол-мулкини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат: Палата аъзоларининг кириш ва аъзолик бадаллари; вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига ва бошқа молиявий воситаларга жойлаштиришдан олинган даромадлар; пуллик хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар; тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар; Палата томонидан таъсис этиладиган корхоналарнинг фойдасидан ажратмалар; халқаро донорларнинг грантлари ва ҳомийларнинг маблағлари;

Старая редакция	Новая редакция
қонунчиликка зид бўлмаган бошқа маблағлар ва тушумлар.	қонунчиликка зид бўлмаган бошқа маблағлар ва тушумлар.
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида	
15-модда. Қимматли қоғозларни жойлаштириш ва уларнинг муомаласи шартлари Қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштиришга ва уларнинг муомаласига, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин йўл қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида; Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни, бундан халқаро облигациялар мустасно Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлаштириш ҳамда муомалага киритиш квоталари ва тартибини белгилайди. **Қимматли қоғозларнинг қиймати, бундан халқаро облигациялар мустасно Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланади.**	15-модда. Қимматли қоғозларни жойлаштириш ва уларнинг муомаласи шартлари Қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштиришга ва уларнинг муомаласига, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин йўл қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида; Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни, бундан халқаро облигациялар мустасно Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлаштириш ҳамда муомалага киритиш квоталари ва тартибини белгилайди. **Қимматли қоғозларнинг қиймати Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланади, бундан халқаро облигацияларни жойлаштириш ҳамда давлат акция пакетларини хорижий инвесторларга фонд биржаси орқали сотиш ҳоллари мустасно.**
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Тижорат сири тўғрисида	

Старая редакция	Новая редакция
5-модда. Тижорат сирини ташкил этиши мумкин бўлмаган маълумотлар Қуйидаги маълумотлар тижорат сирини ташкил этиши мумкин эмас: давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкка доир ҳуқуқлар ва бу ҳуқуқлар бўйича битимлар тўғрисидаги; юридик шахснинг таъсис ҳужжатларидаги, юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжаликлари ҳақидаги ёзувлар тегишли давлат реестрларига киритилганлиги фактини тасдиқлайдиган ҳужжатлардаги; тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлардаги; давлат муассасасининг мол-мулки таркиби тўғрисидаги ва улар томонидан тегишли бюджет маблағларидан фойдаланилиши ҳақидаги; атроф муҳитнинг ифлосланиши, ёнғин хавфсизлигининг ҳолати, санитария-эпидемиологик ва радиациявий вазият, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ҳамда ишлаб чиқариш объектларининг хавфсиз фаолият кўрсатишини, ҳар бир фуқаронинг ва бутун аҳолининг хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи бошқа омиллар ҳақидаги; ходимларнинг сони ва таркиби, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва меҳнат шароитлари тўғрисидаги, шу жумладан	5-модда. Тижорат сирини ташкил этиши мумкин бўлмаган маълумотлар Қуйидаги маълумотлар тижорат сирини ташкил этиши мумкин эмас: давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкка доир ҳуқуқлар ва бу ҳуқуқлар бўйича битимлар тўғрисидаги; юридик шахснинг таъсис ҳужжатларидаги, юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжаликлари ҳақидаги ёзувлар тегишли давлат реестрларига киритилганлиги фактини тасдиқлайдиган ҳужжатлардаги; тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлардаги; давлат муассасасининг мол-мулки таркиби тўғрисидаги ва улар томонидан тегишли бюджет маблағларидан фойдаланилиши ҳақидаги; атроф муҳитнинг ифлосланиши, ёнғин хавфсизлигининг ҳолати, санитария-эпидемиологик ва радиациявий вазият, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ҳамда ишлаб чиқариш объектларининг хавфсиз фаолият кўрсатишини, ҳар бир фуқаронинг ва бутун аҳолининг хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи бошқа омиллар ҳақидаги; ходимларнинг сони ва таркиби, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва меҳнат шароитлари тўғрисидаги, шу жумладан

Старая редакция	Новая редакция
меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва касб касалликлари кўрсаткичлари, шунингдек бўш иш ўринлари бор-йўқлиги ҳақидаги; иш берувчиларнинг иш ҳақи тўлаш ва ижтимоий тўловлар бўйича қарздорлиги тўғрисидаги; қонунчилик бузилишлари ва бундай бузилишларни содир этганлик учун жавобгарликка тортиш фактлари тўғрисидаги; нотижорат ташкилотлар даромадларининг миқдорлари ва тузилиши, ушбу ташкилотларнинг мол-мулки миқдорлари ва таркиби ҳақидаги, уларнинг харажатлари, бу ташкилотлар ходимларининг (аъзоларининг) сони ва меҳнатига ҳақ тўлаш, нотижорат ташкилотнинг фаолиятида фуқароларнинг текин меҳнатидан фойдаланилиши тўғрисидаги; юридик шахс номидан ишончномасиз иш юритиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати ҳақидаги; давлат статистика ҳисоботи сифатида тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар. Ошкор этилиши шартлиги ёки фойдаланишни чеклашга йўл қўйилмаслиги бошқа қонунда белгиланган маълумотлар тижорат сирини ташкил этиши мумкин эмас.	меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва касб касалликлари кўрсаткичлари, шунингдек бўш иш ўринлари бор-йўқлиги ҳақидаги; иш берувчиларнинг иш ҳақи тўлаш ва ижтимоий тўловлар бўйича қарздорлиги тўғрисидаги; қонунчилик бузилишлари ва бундай бузилишларни содир этганлик учун жавобгарликка тортиш фактлари тўғрисидаги; **давлат мулкини хусусийлаштириш шартлари ҳақидаги**; нотижорат ташкилотлар даромадларининг миқдорлари ва тузилиши, ушбу ташкилотларнинг мол-мулки миқдорлари ва таркиби ҳақидаги, уларнинг харажатлари, бу ташкилотлар ходимларининг (аъзоларининг) сони ва меҳнатига ҳақ тўлаш, нотижорат ташкилотнинг фаолиятида фуқароларнинг текин меҳнатидан фойдаланилиши тўғрисидаги; юридик шахс номидан ишончномасиз иш юритиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати ҳақидаги; давлат статистика ҳисоботи сифатида тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар. Ошкор этилиши шартлиги ёки фойдаланишни чеклашга йўл қўйилмаслиги бошқа қонунда белгиланган маълумотлар тижорат сирини ташкил этиши мумкин эмас
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида	

Старая редакция	Новая редакция
34-модда. Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича имтиёз ҳамда преференциялар бериш	34-модда. Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича имтиёз ҳамда преференциялар бериш
Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун қўлланиладиган имтиёз ҳамда преференциялар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:	Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун қўлланиладиган имтиёз ҳамда преференциялар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:
давлат мулки бўлган объектларни ёки уларга бўлган мулкий ҳуқуқларни имтиёзли ёки нолга тенг харид қиймати бўйича инвесторга бериш;	
солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;	солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;
инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун инвестор томонидан олинадиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш.	инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун инвестор томонидан олинадиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш.
Имтиёзлар ва преференциялар қуйидагиларга қараб берилади:	Имтиёзлар ва преференциялар қуйидагиларга қараб берилади:
инвестициялар ҳажмига;	инвестициялар ҳажмига;
инвестиция лойиҳаси амалга ошириладиган жойнинг шарт-шароитларига;	инвестиция лойиҳаси амалга ошириладиган жойнинг шарт-шароитларига;
кутилаётган ижтимоий-иқтисодий самарага ва янги иш ўринларини яратишга;	кутилаётган ижтимоий-иқтисодий самарага ва янги иш ўринларини яратишга;
инвестиция лойиҳасини амалга ошириш соҳалари ва тармоқларига.	инвестиция лойиҳасини амалга ошириш соҳалари ва тармоқларига.
Солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар қонунда белгиланган тартибда берилади.	Солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар қонунда белгиланган тартибда берилади.

Старая редакция	Новая редакция
Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун қўлланиладиган преференциялар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан, шу жумладан муниципал объектларга нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан берилиши мумкин. Имтиёзлар ва преференциялар тегишли ҳудудга инвестициялар киритишни назарда тутувчи инвесторларга мазкур ҳудуд инфратузилмасининг ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда берилади. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда ташкил этилган ва қонун ҳужжатлари билан тасдиқланадиган рўйхат бўйича иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришга (хизматлар кўрсатишга) ихтисослашган корхоналарга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган тартибда алоҳида солиқлар юзасидан имтиёзлар қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади.	Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун қўлланиладиган преференциялар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан, шу жумладан муниципал объектларга нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан берилиши мумкин. Имтиёзлар ва преференциялар тегишли ҳудудга инвестициялар киритишни назарда тутувчи инвесторларга мазкур ҳудуд инфратузилмасининг ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда берилади. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда ташкил этилган ва қонунчилик билан тасдиқланадиган рўйхат бўйича иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришга (хизматлар кўрсатишга) ихтисослашган корхоналарга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган тартибда алоҳида солиқлар юзасидан имтиёзлар қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади.
Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси	
412-модда. Солиқ базаси	412-модда. Солиқ базаси

Старая редакция	Новая редакция
1) ушбу Кодекс 411-моддаси иккинчи қисмининг 1 ва 3-бандларида назарда тутилган объектлар бўйича — ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Кўчмас мулкнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация миқдори ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Бунда тўлиқ амортизация қилинган бино бўйича унинг уч йилда камида бир марта аниқланадиган қайта баҳоланган (бозор) қиймати солиқ базасидир; 2) ушбу Кодекс 411-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган объектлар бўйича — тугалланмаган қурилишнинг ўртача йиллик қиймати; 3) ушбу Кодекс 411-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандида белгиланган объектлар бўйича — мазкур объектларнинг ўртача йиллик қиймати (реализация қилинмаган қисми бўйича); Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг кўчмас мулк объектларига нисбатан солиқ базаси ушбу мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматидир.	1) ушбу Кодекс 411-моддаси иккинчи қисмининг 1 ва 3-бандларида назарда тутилган объектлар бўйича — ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Кўчмас мулкнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация миқдори ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Бунда тўлиқ амортизация қилинган бино бўйича унинг уч йилда камида бир марта аниқланадиган қайта баҳоланган (бозор) қиймати солиқ базасидир; 2) ушбу Кодекс 411-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган объектлар бўйича — тугалланмаган қурилишнинг ўртача йиллик қиймати; 3) ушбу Кодекс 411-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандида белгиланган объектлар бўйича — мазкур объектларнинг ўртача йиллик қиймати (реализация қилинмаган қисми бўйича); Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг кўчмас мулк объектларига нисбатан солиқ базаси ушбу мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматидир. **4) давлат кўчмас мулк объектини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олган харидорга мол-мулк солиғи, агар мазкур объект учун унга «тасарруф этиш ҳуқуқисиз» белгисини қўйган ҳолда давлат ордери берилган бўлса, объектнинг харидор томонидан мазкур объект бўйича сотиб олиш тўловларининг тўланган**

Старая редакция	Новая редакция
	қисмига мутаносиб равишдаги улушга (фоизга) тенг ўртача йиллик қолдиқ қиймати. **Бунда солиқлар давлат кўчмас мулк объекти бўйича сотиб олиш тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш графигига амал қилган ҳолда ундирилади. Ушбу график Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Солиқ қўмитасига ахборот тизимлари орқали тақдим этилади**
420-модда. Солиқ базаси Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг кадастр қиймати солиқ базаси ҳисобланади. Солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида солиқ базаси: ушбу Кодекс 419-моддасининг 1, 3 ва 4-бандларида назарда тутилган объектлар бўйича — қирқ икки миллион сўмдан кам бўлиши мумкин эмас; ушбу Кодекс 419-моддасининг 2-бандида назарда тутилган объектларнинг 1 кв. метри бўйича — ушбу Кодекс 412-моддаси биринчи қисми 1-бандининг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошиларида белгиланган энг кам қийматдан паст бўлиши мумкин эмас. Бунда ушбу Кодекс 412-моддаси биринчи қисми 1-бандининг еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари қоидалари ушбу Кодекс 419-моддасининг 2-	420-модда. Солиқ базаси Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг кадастр қиймати солиқ базаси ҳисобланади. Солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида солиқ базаси: ушбу Кодекс 419-моддасининг 1, 3 ва 4-бандларида назарда тутилган объектлар бўйича — қирқ икки миллион сўмдан кам бўлиши мумкин эмас; ушбу Кодекс 419-моддасининг 2-бандида назарда тутилган объектларнинг 1 кв. метри бўйича — ушбу Кодекс 412-моддаси биринчи қисми 1-бандининг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошиларида белгиланган энг кам қийматдан паст бўлиши мумкин эмас. Бунда ушбу Кодекс 412-моддаси биринчи қисми 1-бандининг еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари қоидалари ушбу Кодекс 419-моддасининг 2-

Старая редакция	Новая редакция
бандида назарда тутилган объектларга нисбатан ҳам татбиқ этилади;	бандида назарда тутилган объектларга нисбатан ҳам татбиқ этилади;
	давлат кўчмас мулк объектини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олган харидорга мол-мулк солиғи, агар мазкур объект учун унга «тасарруф этиш ҳуқуқисиз» белгисини қўйган ҳолда давлат ордери берилган бўлса, объектнинг харидор томонидан мазкур объект бўйича сотиб олиш тўловларининг тўланган қисмига мутаносиб равишдаги улушга (фоизга) тенг ўртача йиллик қолдиқ қиймати.
	Бунда солиқлар давлат кўчмас мулк объекти бўйича сотиб олиш тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш графигига амал қилган ҳолда ундирилади. Ушбу график Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Солиқ қўмитасига ахборот тизимлари орқали тақдим этилади.
Ушбу модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси қоидалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш, шунингдек ипак қурти етиштириш учун берилган кўчмас мулк объектларига нисбатан татбиқ этилмайди.	Ушбу модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси қоидалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш, шунингдек ипак қурти етиштириш учун берилган кўчмас мулк объектларига нисбатан татбиқ этилмайди.
Жисмоний шахсларнинг мол-мулкини баҳолаш бўйича ваколатли орган томонидан аниқланган солиқ солиш объектининг баҳоси мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкнинг шартли қиймати Тошкент ва Нукус шаҳарларида, шунингдек вилоят марказларида — ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган сумманинг беш баравари миқдорида, бошқа	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкини баҳолаш бўйича ваколатли орган томонидан аниқланган солиқ солиш объектининг баҳоси мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкнинг шартли қиймати Тошкент ва Нукус шаҳарларида, шунингдек вилоят марказларида — ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида

Старая редакция	Новая редакция
шаҳарларда ва қишлоқ жойларда эса — икки баравари миқдорида солиқ базаси ҳисобланади. Битта жисмоний шахс бир нечта солиқ солиш объекти бўйича солиқ тўловчи бўлган тақдирда, солиқ базаси ҳар бир объект бўйича алоҳида ҳисоблаб чиқилади.	кўрсатилган сумманинг беш баравари миқдорида, бошқа шаҳарларда ва қишлоқ жойларда эса — икки баравари миқдорида солиқ базаси ҳисобланади. Битта жисмоний шахс бир нечта солиқ солиш объекти бўйича солиқ тўловчи бўлган тақдирда, солиқ базаси ҳар бир объект бўйича алоҳида ҳисоблаб чиқилади.
427-модда. Солиқ базаси Қуйидагилар солиқ базасидир: қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича — ушбу Кодекснинг 428-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасининг умумий майдони; қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича — ушбу Кодекснинг 428-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкалари чегириб ташланган ҳолда, ер участкаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланган норматив қиймати.	427-модда. Солиқ базаси Қуйидагилар солиқ базасидир: қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича — ушбу Кодекснинг 428-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасининг умумий майдони; қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича — ушбу Кодекснинг 428-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкалари чегириб ташланган ҳолда, ер участкаларининг қонунчиликка мувофиқ аниқланган норматив қиймати; **давлат кўчмас мулк объектини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олган харидорга мазкур объект эгаллаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер учун солиқ, агар мазкур объектга «тасарруф этиш ҳуқуқисиз» белгисини қўйган ҳолда давлат ордери берилган бўлса, ер участкасининг харидор томонидан мазкур объект бўйича сотиб олиш**

Старая редакция	Новая редакция
	тўловларининг тўланган қисмига мутаносиб равишдаги улушга (фоизга) тенг майдони. **Бунда солиқлар давлат кўчмас мулк объекти бўйича сотиб олиш тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш графигига амал қилган ҳолда ундирилади. Ушбу графиг Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Солиқ қўмитасига ахборот тизимлари орқали тақдим этилади.**
Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида солиқ тўловчига ўтган бўлса, солиқ базаси ер участкаларига тегишли ҳуқуқ вужудга келганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкасининг майдони камайтирилган тақдирда, солиқ базаси ер участкаси майдони камайтирилган ойдан эътиборан камайтирилади.	Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида солиқ тўловчига ўтган бўлса, солиқ базаси ер участкаларига тегишли ҳуқуқ вужудга келганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкасининг майдони камайтирилган тақдирда, солиқ базаси ер участкаси майдони камайтирилган ойдан эътиборан камайтирилади.
Юридик шахсларда солиқ имтиёзига бўлган ҳуқуқ вужудга келган тақдирда, солиқ базаси ушбу ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан камайтирилади. Солиқ имтиёзига бўлган ҳуқуқ бекор қилинган тақдирда, солиқ базаси ушбу ҳуқуқ тугатилганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади (кўпайтирилади).	Юридик шахсларда солиқ имтиёзига бўлган ҳуқуқ вужудга келган тақдирда, солиқ базаси ушбу ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан камайтирилади. Солиқ имтиёзига бўлган ҳуқуқ бекор қилинган тақдирда, солиқ базаси ушбу ҳуқуқ тугатилганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади (кўпайтирилади).
Солиқ тўловчи солиқ тўлаш назарда тутилмаган фаолият турларини амалга оширганда, солиқ базаси солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган ер участкаси бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаганда,	Солиқ тўловчи солиқ тўлаш назарда тутилмаган фаолият турларини амалга оширганда, солиқ базаси солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган ер участкаси бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаганда,

Старая редакция	Новая редакция
солиқ базаси солиқни тўлаш назарда тутилган фаолиятдан олинадиган соф тушумнинг умумий соф тушум ҳажмидаги улушидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.	солиқ базаси солиқни тўлаш назарда тутилган фаолиятдан олинадиган соф тушумнинг умумий соф тушум ҳажмидаги улушидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.
435-модда. Солиқ базаси Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг маълумотлари бўйича ер участкаларининг майдони солиқ базасидир. Жисмоний шахсларга берилган, шунингдек деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича солиқ базаси ушбу Кодекс 428-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари чегириб ташланган ҳолда, ер участкаларининг қонунчиликка мувофиқ аниқланган норматив қийматидир. Бунда ер участкаларининг норматив қиймати тегишинча туманнинг (шаҳарнинг) суғориладиган ёки суғорилмайдиган ерлари учун ўртача ҳисобда аниқланади. Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун фуқароларга берилган, шунингдек якка тартибдаги ва жамоа гаражлари эгаллаган ер участкалари бўйича солиқ базаси ушбу ер участкаларини берган ташкилотлар бошқарув органларининг маълумотлари бўйича аниқланади. Хизмат юзасидан берилган чек ер майдонлари бўйича солиқ базаси ўз ходимларига ер участкаларини	435-модда. Солиқ базаси Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг маълумотлари бўйича ер участкаларининг майдони солиқ базасидир. Жисмоний шахсларга берилган, шунингдек деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича солиқ базаси ушбу Кодекс 428-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари чегириб ташланган ҳолда, ер участкаларининг қонунчиликка мувофиқ аниқланган норматив қийматидир. Бунда ер участкаларининг норматив қиймати тегишинча туманнинг (шаҳарнинг) суғориладиган ёки суғорилмайдиган ерлари учун ўртача ҳисобда аниқланади. Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун фуқароларга берилган, шунингдек якка тартибдаги ва жамоа гаражлари эгаллаган ер участкалари бўйича солиқ базаси ушбу ер участкаларини берган ташкилотлар бошқарув органларининг маълумотлари бўйича аниқланади. Хизмат юзасидан берилган чек ер майдонлари бўйича солиқ базаси ўз ходимларига ер участкаларини

Старая редакция	Новая редакция
берган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маълумотлари бўйича аниқланади.	берган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маълумотлари бўйича аниқланади. **Давлат кўчмас мулк объектини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олган харидорга мазкур объект эгаллаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер учун солиқ, агар мазкур объектга «тасарруф этиш ҳуқуқисиз» белгисини қўйган ҳолда давлат ордери берилган бўлса, ер участкасининг харидор томонидан мазкур объект бўйича сотиб олиш тўловларининг тўланган қисмига мутаносиб равишдаги улушга (фоизга) тенг майдони.** **Бунда солиқлар давлат кўчмас мулк объекти бўйича сотиб олиш тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш графигига амал қилган ҳолда ундирилади. Ушбу график Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Солиқ қўмитасига ахборот тизимлари орқали тақдим этилади**
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида	
6-модда. Махсус иқтисодий зонани ривожлантириш дастури Махсус иқтисодий зонани ривожлантириш қуйидагиларни ўз ичига олган дастурга мувофиқ амалга оширилади: ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратишни;	6-модда. Махсус иқтисодий зонани ривожлантириш дастури Махсус иқтисодий зонани ривожлантириш қуйидагиларни ўз ичига олган дастурга мувофиқ амалга оширилади: ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратишни;

Старая редакция	Новая редакция
муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини таъминлашни; бозор инфратузилмасини яратишни; махсус иқтисодий зонанинг фаолият бўйича ва соҳавий ихтисослашувига мувофиқ чет эл инвестицияларини ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари комплексини. Махсус иқтисодий зонани ривожлантириш дастурини молиявий таъминлаш зонанинг ўз ресурслари, хусусий манбалар, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.	муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини таъминлашни; бозор инфратузилмасини яратишни; махсус иқтисодий зонанинг фаолият бўйича ва соҳавий ихтисослашувига мувофиқ чет эл инвестицияларини ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари комплексини. Махсус иқтисодий зонани ривожлантириш дастурини молиявий **жиҳатдан** таъминлаш зонанинг ўз ресурслари, хусусий манбалар, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади, **бунда махсус иқтисодий зонада ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан инфратузилма билан таъминлаш ишлари белгиланган тартибда хусусий инвесторлар томонидан амалга оширилган тақдирда, ушбу харажатларнинг ўрни кейинчалик махсус иқтисодий зонанинг маблағлари ҳисобидан қопланади.**
Ўзбекистон Республикасининг давлат инвестиция дастурларини шакллантиришда махсус иқтисодий зоналарнинг муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш	Ўзбекистон Республикасининг давлат инвестиция дастурларини шакллантиришда махсус иқтисодий зоналарнинг муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш

Старая редакция	Новая редакция
дастурларининг молиявий таъминоти назарда тутилиши керак.	дастурларининг молиявий таъминоти назарда тутилиши керак.
7-модда. Махсус иқтисодий зона ҳудудида жойлашган давлат мулки объектларини бошқариш Махсус иқтисодий зоналар бўш турган ва фаолият кўрсатмаётган давлат мулки объектлари, маъмурий-ҳудудий тузилмалар ҳудудлари негизида, шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда ташкил этилади. Махсус иқтисодий зона ҳудудида жойлашган давлат мулки объектлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколати доирасидаги қарорига кўра махсус иқтисодий зона дирекциясига давлат активларини бошқариш бўйича ваколатли орган билан келишган ҳолда оператив бошқарувга берилиши мумкин, бундан хусусийлаштирилмайдиган стратегик давлат мулки объектлари мустасно. Давлат мулки объектлари махсус иқтисодий зона дирекциясига махсус иқтисодий зона фаолият кўрсатадиган бутун давр учун оператив бошқарувга берилади. Махсус иқтисодий зонанинг дирекцияси махсус иқтисодий зона ҳудудида жойлашган, бўш турган ва фаолият кўрсатмаётган давлат мулки объектларини инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда, махсус иқтисодий зона иштирокчиларига электрон онлайн-	7-модда. Махсус иқтисодий зона ҳудудида жойлашган давлат мулки объектларини бошқариш Махсус иқтисодий зоналар бўш турган ва фаолият кўрсатмаётган давлат мулки объектлари, маъмурий-ҳудудий тузилмалар ҳудудлари негизида, шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда ташкил этилади. Махсус иқтисодий зона ҳудудида жойлашган давлат мулки объектлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколати доирасидаги қарорига кўра махсус иқтисодий зона дирекциясига давлат активларини бошқариш бўйича ваколатли орган билан келишган ҳолда оператив бошқарувга берилиши мумкин, бундан хусусийлаштирилмайдиган стратегик давлат мулки объектлари мустасно. Давлат мулки объектлари махсус иқтисодий зона дирекциясига махсус иқтисодий зона фаолият кўрсатадиган бутун давр учун оператив бошқарувга берилади. Махсус иқтисодий зонанинг дирекцияси махсус иқтисодий зона ҳудудида жойлашган, бўш турган ва фаолият кўрсатмаётган давлат мулки объектларини инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда, махсус иқтисодий зона иштирокчиларига электрон онлайн-

Старая редакция	Новая редакция
аукцион савдоларида реализация қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.	аукцион савдоларида реализация қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.
Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар алоҳида ҳолларда, фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва доривор ўсимликлар етиштириш учун фармацевтика ҳамда аграр йўналишдаги махсус иқтисодий зоналар учун берилиши мумкин. Бошқача фаолият ва тармоқ ихтисослашувига эга бўлган махсус иқтисодий зоналарга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар уларнинг ер фонди тоифаси Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида белгиланган тартибда ўзгартирилганидан кейин берилиши мумкин.	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар алоҳида ҳолларда, фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва доривор ўсимликлар етиштириш учун фармацевтика ҳамда аграр йўналишдаги махсус иқтисодий зоналар учун берилиши мумкин. Бошқача фаолият ва тармоқ ихтисослашувига эга бўлган махсус иқтисодий зоналарга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар уларнинг ер фонди тоифаси Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида белгиланган тартибда ўзгартирилганидан кейин берилиши мумкин.
Махсус иқтисодий зоналар ҳудудидаги ер участкалари махсус иқтисодий зонанинг дирекцияси томонидан берилади ва унинг тасарруфида туради, бундан махсус саноат зоналарининг ҳудудлари мустасно.	Махсус иқтисодий зоналар ҳудудидаги ер участкалари махсус иқтисодий зонанинг дирекцияси томонидан берилади ва унинг тасарруфида туради, бундан махсус саноат зоналарининг ҳудудлари мустасно.
	Махсус иқтисодий зона бош режасига мувофиқ инфратузилма билан таъминланганидан ва давлат қабул комиссияси томонидан қабул қилинганидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тасдиқланган инвестиция буюртманомасида кўрсатилган ўлчамдаги ер участкаси электрон онлайн-аукцион ўтказишни бошқа ташкилотлар билан келишиб олиш заруратисиз махсус иқтисодий зона дирекциясининг қарори билан электрон онлайн-аукционга қўйилади.
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тасдиқланган инвестиция буюртманомасида кўрсатилган ўлчамдаги ер участкаси электрон онлайн-аукцион ўтказишни бошқа ташкилотлар билан келишиб олиш заруратисиз махсус иқтисодий зонанинг дирекцияси томонидан электрон онлайн-аукционга қўйилади. Мазкур	

Старая редакция	Новая редакция
тартиб махсус саноат зоналари ҳудудидаги ер участкасини беришга нисбатан татбиқ этилмайди. Электрон онлайн-аукцион ғолиби инвестиция буюртманомасида кўрсатилган ер участкасини ижарага олиш ва махсус иқтисодий зонанинг дирекцияси билан инвестиция шартномасини тузиш ҳуқуқига эга бўлади. Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида шаҳарсозлик фаолияти махсус иқтисодий зоналарнинг тасдиқланган бош режаларига мувофиқ амалга оширилади.	Мазкур тартиб махсус саноат зоналари ҳудудидаги ер участкасини беришга нисбатан татбиқ этилмайди. Электрон онлайн-аукцион ғолиби инвестиция буюртманомасида кўрсатилган ер участкасини ижарага олиш ва махсус иқтисодий зонанинг дирекцияси билан инвестиция шартномасини тузиш ҳуқуқига эга бўлади. Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида шаҳарсозлик фаолияти махсус иқтисодий зоналарнинг тасдиқланган бош режаларига мувофиқ амалга оширилади.
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида	
39-модда. Низоларни ҳал этиш Ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.	39-модда. Низоларни ҳал этиш Ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади, **бунда давлатга тегишли ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича тузилган шартномалар доирасида юзага келадиган низолар ва даъволарга нисбатан медиация тартиб-таомили амалга оширилиши мумкин.**
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Давлат мулкини бошқариш тўғрисида	
19-модда. Хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки Қуйидаги давлат мулки хусусийлаштирилмайди:	19-модда. Хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки Қуйидаги давлат мулки хусусийлаштирилмайди:

Старая редакция	Новая редакция
Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасидаги ер (бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно), ер ости бойликлари, шунингдек сув омборлари, шу жумладан қор ва сел натижасида тўпланган сув омборлари, сув хўжалигининг йирик ва ўта муҳим объектлари, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;	Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасидаги ер (бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно), ер ости бойликлари, шунингдек сув омборлари, шу жумладан қор ва сел натижасида тўпланган сув омборлари, сув хўжалигининг йирик ва ўта муҳим объектлари, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;
моддий маданий мерос объектлари, архив ҳужжатлари, давлат музейлари ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, шу жумладан табиат боғлари, миллий боғлар ва ботаника боғлари, шунингдек скверлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, сайилгоҳлар;	моддий маданий мерос объектлари, архив ҳужжатлари, давлат музейлари ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, шу жумладан табиат боғлари, миллий боғлар ва ботаника боғлари, шунингдек скверлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, сайилгоҳлар;
пул белгиларини, қимматли қоғозларни, орденларни, медалларни ҳамда почта маркаларини ишлаб чиқаришни таъминловчи **корхоналар ва ташкилотлар**;	пул белгиларини, қимматли қоғозларни, орденларни, медалларни ҳамда почта маркаларини ишлаб чиқаришни таъминловчи **миллий эталонлар**;
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиянинг, Ички ишлар вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг корхоналари, муассасалари, шунингдек ҳарбий техникавий мулки (саноатда утилизация қилингунига қадар ёки саноатда утилизация қилинмайдиган мулки);	Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиянинг, Ички ишлар вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг корхоналари, муассасалари, шунингдек ҳарбий техникавий мулки (саноатда утилизация қилингунига қадар ёки саноатда утилизация қилинмайдиган мулки);
ионловчи нурланиш манбаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини олиб борувчи, рентген ускуналари, асбоб-ускуналар ва жиҳозларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;	ионловчи нурланиш манбаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини олиб борувчи, рентген ускуналари, асбоб-ускуналар ва жиҳозларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;

Старая редакция	Новая редакция
радиоактив элементларни кавлаб олишни, ишлаб чиқаришни, транспортда ташишни, қайта ишлашни, радиоактив чиқиндиларни кўмишни, уран ва бошқа бўлинувчи материалларни, шунингдек улардан ясалган буюмларни реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;	радиоактив элементларни кавлаб олишни, ишлаб чиқаришни, транспортда ташишни, қайта ишлашни, радиоактив чиқиндиларни кўмишни, уран ва бошқа бўлинувчи материалларни, шунингдек улардан ясалган буюмларни реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;
қурол-яроғ ва ўқ-дориларни, ҳимоя воситаларини, ҳарбий техникани, улар учун эҳтиёт қисмларни, бутловчи қисмларни ҳамда асбоб-ускуналарни, пиротехника буюмларини, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун махсус материалларни ва ускуналарни ишлаб чиқишни, ишлаб чиқаришни, таъмирлашни ҳамда реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар;	қурол-яроғ ва ўқ-дориларни, ҳимоя воситаларини, ҳарбий техникани, улар учун эҳтиёт қисмларни, бутловчи қисмларни ҳамда асбоб-ускуналарни, пиротехника буюмларини, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун махсус материалларни ва ускуналарни ишлаб чиқишни, ишлаб чиқаришни, таъмирлашни ҳамда реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар;
кучли таъсир этувчи заҳарларни, гиёҳвандлик моддаларини ва заҳарли моддаларни ишлаб чиқарувчи, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддалари ва заҳарли моддалар бўлган экинларни экишни, етиштиришни ҳамда қайта ишлашни амалга оширувчи корхоналар;	кучли таъсир этувчи заҳарларни, гиёҳвандлик моддаларини ва заҳарли моддаларни ишлаб чиқарувчи, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддалари ва заҳарли моддалар бўлган экинларни экишни, етиштиришни ҳамда қайта ишлашни амалга оширувчи корхоналар;
Ўзбекистон Республикасининг давлат захиралари, фуқаро муҳофазаси ҳамда сафарбарлик мақсадидаги объектлар ва мулк;	Ўзбекистон Республикасининг давлат захиралари, фуқаро муҳофазаси ҳамда сафарбарлик мақсадидаги объектлар ва мулк;
ядровий қурилмалар, сақлаш пунктлари (ядровий материалларни, ядровий реакторларнинг иссиқлик ўтказмайдиган тўпламларини, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғини сақлаш пунктлари), ядровий ёқилғи, ядровий реакторларнинг иссиқлик ўтказмайдиган тўпламлари, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғи, ядровий материаллар	ядровий қурилмалар, сақлаш пунктлари (ядровий материалларни, ядровий реакторларнинг иссиқлик ўтказмайдиган тўпламларини, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғини сақлаш пунктлари), ядровий ёқилғи, ядровий реакторларнинг иссиқлик ўтказмайдиган тўпламлари, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғи, ядровий материаллар

Старая редакция	Новая редакция
(табиий уран, уран-235 изотопи билан бойитилган барча шаклдаги уран, уран-233 изотопи, плутоний, америций, калифорний элементларининг барча изотоплари, Np-237 изотопи ва таркибида барча санаб ўтилган изотоплар бўлган аралашмалар); портлаш хавфи бўлган ва заҳарли моддаларни транспортда ташишни амалга оширувчи ихтисослаштирилган корхоналар; умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари; санитария-эпидемиология станциялари, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази, атроф-муҳит ҳолатини назорат қилиш ва табиатни муҳофаза қилиш хизматлари; махсус вазифаларни бажарувчи корхоналар (Республика махсус алоқа узели, 15361 рақамли ҳарбий қисм, Электромагнит мослашув маркази); дафн этиш жойлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан бошқа давлат мулки ҳам хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки жумласига киритилиши мумкин.	(табиий уран, уран-235 изотопи билан бойитилган барча шаклдаги уран, уран-233 изотопи, плутоний, америций, калифорний элементларининг барча изотоплари, Np-237 изотопи ва таркибида барча санаб ўтилган изотоплар бўлган аралашмалар); портлаш хавфи бўлган ва заҳарли моддаларни транспортда ташишни амалга оширувчи ихтисослаштирилган корхоналар; умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари; санитария-эпидемиология станциялари, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази, атроф-муҳит ҳолатини назорат қилиш ва табиатни муҳофаза қилиш хизматлари; махсус вазифаларни бажарувчи корхоналар (Республика махсус алоқа узели, 15361 рақамли ҳарбий қисм, Электромагнит мослашув маркази); дафн этиш жойлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан бошқа давлат мулки ҳам хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки жумласига киритилиши мумкин.
25-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат мулкини бошқариш соҳасидаги ваколатлари Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари: давлат мулкига эгалик қилиш мезонларига мувофиқ бўлмаган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш, қайта	25-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат мулкини бошқариш соҳасидаги ваколатлари Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари: давлат мулкига эгалик қилиш мезонларига мувофиқ бўлмаган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш, қайта

Старая редакция	Новая редакция
ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади; муниципал мулкни белгиланган тартибда ижарага ёки ишончли бошқарувга беради. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари: **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган ҳолларда хўжалик жамиятларидаги давлат улушларига нисбатан акциядор (иштирокчи) вазифаларини амалга оширади;** **маҳаллий бюджет маблағлари ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқа маблағлари ҳисобидан ташкил этилган давлат муассасаларида муассис вазифаларини амалга оширади;** **давлат мулкига эгалик қилиш мезонларига мувофиқ бўлмаган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади;** **муниципал мулкни белгиланган тартибда ижарага ёки ишончли бошқарувга беради;** **муниципал мулкни давлат муассасаларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бириктириш тўғрисида ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади;** **муниципал мулк ҳисобидан ташкил этилган давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқарув**	ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади; муниципал мулкни белгиланган тартибда ижарага ёки ишончли бошқарувга беради. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари: **Муниципал мулк бўлган давлат муассасалари ва хўжалик жамиятларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушларини хусусийлаштириш дастурлари Агентлик ҳамда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тасдиқланади.** **Муниципал мулк бўлган давлат кўчмас мулк объектларини хусусийлаштириш дастурлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади**

Старая редакция	Новая редакция
органлари орқали уларнинг кузатув кенгашлари аъзоларини ва ижроия органлари раҳбарларини тайинлашни (танлов ўтказишни, сайлашни) белгиланган тартибда, корпоратив бошқарув принципларига мувофиқ ташкил этади. **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тегишинча ўз тасарруфидаги ҳудудда турган тегишли ҳудуддаги қуйидаги муниципал мулкни сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилади:** **бинолари ва иншоотларининг умумий майдони икки минг квадрат метргача бўлган кўчмас мулк объектларини, шу жумладан молиялаштириш манбаларига эга бўлмаган ва қурилиши тугалланмаган шу ўлчамдаги кўчмас мулк объектларини;** **давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушини, башарти ушбу корхоналар асосий воситаларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик минг бараваридан кўп бўлмаса ва улар ходимларининг ўртача йиллик сони беш юз нафардан ошмаса.**	
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан бинолар ҳамда иншоотларнинг умумий майдони икки минг квадрат метрдан ортиқ бўлган, бироқ беш минг квадрат метрдан кўп бўлмаган муниципал мулкни (бундан хусусийлаштирилмайдиган ва Ўзбекистон	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан бинолар ҳамда иншоотларнинг умумий майдони икки минг квадрат метрдан ортиқ бўлган, бироқ беш минг квадрат метрдан кўп бўлмаган муниципал мулкни (бундан хусусийлаштирилмайдиган ва Ўзбекистон

Старая редакция	Новая редакция
Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан хусусийлаштириладиган давлат мулки мустасно) сотиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.	Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан хусусийлаштириладиган давлат мулки мустасно) сотиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида	
34-модда. Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси шартларини харидор томонидан бажармаслик ва лозим даражада бажармаслик оқибатлари Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, тарафлар қонунчиликка ва хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномасига мувофиқ жавобгар бўлади. Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятлар харидор томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари харидорга сотиб олиш тўловларини тўлаш муддатларига риоя этилмаётганлиги ва (ёки) давлат мулкини хусусийлаштиришнинг шартларини	34-модда. Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси шартларини харидор томонидан бажармаслик ва лозим даражада бажармаслик оқибатлари Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, тарафлар қонунчиликка ва хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномасига мувофиқ жавобгар бўлади. Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятлар харидор томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари харидорга сотиб олиш тўловларини тўлаш муддатларига риоя этилмаётганлиги ва (ёки) давлат мулкини хусусийлаштиришнинг шартларини

Старая редакция	Новая редакция
белгиланган муддатларда бажариш ҳамда хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномасига мувофиқ ахборот тақдим этиш тўғрисида ёзма талаб (хабарнома) юбориши шарт. Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, тарафлар медиация тартиб-таомилларини **ўтказиш чораларини кўришга ҳақли.** Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси шартларининг харидор томонидан бажарилиши билан боғлиқ низолар бўйича даъво муддати уч йилни ташкил этади. Харидор хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, ваколатли давлат органига хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномасида белгиланган миқдорда неустойка тўлаши шарт.	белгиланган муддатларда бажариш ҳамда хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномасига мувофиқ ахборот тақдим этиш тўғрисида ёзма талаб (хабарнома) юбориши шарт. Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, тарафлар медиация тартиб-таомилларини **ўтказиши мумкин** Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси шартларининг харидор томонидан бажарилиши билан боғлиқ низолар бўйича даъво муддати уч йилни ташкил этади. Харидор хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, ваколатли давлат органига хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномасида белгиланган миқдорда неустойка тўлаши шарт.